



## LANGUAGE FEATURES OF CLASSICAL LITERATURE IN THE PRIMARY GRADES AND WAYS TO INCULCATE SYMBOLISM IN STUDENTS

Dilnoza Juraeva

Namangan State University Teaching Social Sciences in Primary Education

Teacher of the Department of Methodology

### Annotation

The article describes the linguistic features of works that are important for teaching younger schoolchildren to understand classical literature samples, as well as considerations on symbolic and allegorical descriptions. Based on the textbooks used in practice, recommendations were given.

**Keywords:** primary education, classical literature, linguistic characteristics of works, symbolism, allegory.

### Аннотация

Мақолада бошланғич синф ўқувчиларига мумтоз адабиёт намуналарини тушунишга ўргатишда муҳим бўлган асарларнинг тил хусусиятлари ҳамда рамзий ва мажозий тасвирни илғаш юзасидан мулоҳазалар баён этилган. Амалда қўлланаётган дарсликларга таянган ҳолда тавсиялар берилган.

**Калитсўзлар:** бошланғич таълим, мумтоз адабиёт, асарларнинг тил хусусиятлари, рамзийлик, мажозийлик.

### Аннотация

В статье описываются языковые особенности произведений, которые важны для обучения младших школьников пониманию образцов классической литературы, а также соображения по символическим и аллегорическим описаниям. На основе учебников, используемых на практике, были даны рекомендации.

**Ключевые слова:** начальное образование, классическая литература, языковые характеристики произведений, символизм, аллегория.

### Introduction

Педагогика назариясидан маълумки, болаларда билим, кўникма ва малакалар қанчалик кичик ёшдан бошлаб шакллантирилса, унинг ҳам миқдор, ҳам сифат



Бошланғич синфларда бир-икки шеърий байтларни ҳисобга олинмаганда аслиятдаги мумтоз матнлар дарсликларда берилмайди. Лекин дарсликдаги айрим матнларда мумтоз асарларга хос тил белгилари мавжудки, улардан фойдаланиб ушбу поэтик қолип чизгиларини мактабнинг бошланғич босқичида ўқувчиларга сингдириш мумкин. Маълумки, мумтоз матнларнинг тил хусусиятларидаги ўзига хослик, аввало, лексик қатлам билан боғлиқ. Шу боис 1-синфдан бошлаб мумтоз адабиётга далолат қиладиган сўз ва ибораларга алоҳида таъкид билан ўқувчилар эътиборини тортиш керак. Деярли ҳар бир синфда учрайдиган лексик ёки синтактик бирликлар: асар номлари – “Хамса”, “Бобурнома” каби; мумтоз жанрлар – ғазал, рубоий каби; архаик ёки тарихий сўзлар; изофалар бу вазифани амалга оширишда материал вазифасини ўтайди. Масалан, 1-синф “Ўқиш китоби”да Миркарим Осим “Китобга меҳр” матнида [4,51] бош қаҳрамон Ҳусайн (Ибн Сино) нутқида “Онажон, китобни



сотурмисиз?” сўроқ гапида келаси замон феъл шакли -ур тарзида берилган. 2-синф дарслигидаги

Бошни фидо айла ато қошиға,

Жисмни қил садқа ано бошиға [5,94].

байти орқали жўналиш келишигининг -ға шакли таништирилади. Ёки 4-синф дарслигида Миркарим Осимнинг “Китобга ихлос” ҳикоясида Ҳусайн тилидан “Йўқ, онажон, бормасам бўлмайдур” гапида феълга хос -ди қўшимчаси -дур ифодаси билан қўлланган [6,91].

2-синф дарслигидаги Хуршид Давроннинг “Алишер Навоий” шеъри иккинчи бандида буюк шоир “Ғазал мулкининг султони”[5,102] деб таърифланади. Бу бирикма, бир томондан, мумтоз шеъриятнинг етакчи жанри билан таништириш имкониятини очса, иккинчи томондан, ўзбек мумтоз адабиётининг даҳоси Навоийга берилган таърифни болаларга етказишга қўл келади.

4-синф дарслигининг 97-бетида Ойбекнинг “Алишернинг болалиги” асаридан олинган парчада “Қуллар, канизаклар оёғига ўралиб не қилиб юурсен?” жумласи; “Мен ҳўб севадурмен” гапи ва дарсликнинг 104-бетида Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссасидан олинган парчада “Бухоройи шариф” изофаси орқали ҳам лексик, ҳам морфологик, ҳам синтактик жиҳатдан мумтоз матнларга уйғунлик кузатиладики, улар орқали классик адабиётнинг хос тил хусусиятларини ўқувчиларга сингдириш қулайлашади. Муҳими, ўқитувчи бу тил бирликларига эътиборсизлик қилмаслиги, аксинча, уларга алоҳида диққат қаратиб, таҳлилда урғу бериб, кейинги машғулотларда ўрни билан такрорлаб бориши лозим.

Мумтоз адабиётнинг яна бир ўзига хос жиҳати, В.Қодировга кўра, ундаги тасвирланган воқеликнинг рамзий ёки мажозий тасвирга эгаллиги, айрим асарларда эса бунинг устунлиги сифатида эътироф этилган. Бошланғич синфларда болаларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб рамзий ёки мажозий характердаги мумтоз асарлар дарсликларга киритилмаган. Лекин дастурдан жой олган ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар бош образ бўлган насрий ёки шеърий асарлар албатта рамзий ёки мажозий маъно борки, ўқитувчи уларни олдин ўзи илғаб, кейин дарсларда албатта матн ости маъноларни ўқувчиларга кўрсатиб бериши даркор. Масалан, 1-синф “Ўқиш китоби”дан жой олган шоира Муҳтараманинг “Бойчечак” шеъри унга ишланган расм билан уйғунликда ўрганилиши лозим. 105-бетдаги бу шеър остида эрта баҳор энди эрий бошлаган қорларнинг бағрини ёриб бош кўтарган бойчечак расми берилган. Лирик



қахрамон бойчечакка мурожаат қилиб, унинг ой чечак эканлиги (яъни чиройлилиги), кулгилар нур сочиши каби тафсилотларини айтиб, ўзининг иссиқ уйига таклиф қилади. Гул эса ўзининг арзанда эмаслигини айтиб, лирик қахрамондан барча дўстларингга улашгинки, шу сабаб мен бойчечакман, дейди. Болаларга таг маънони англатиш учун йўналтирувчи саволлар берилади ва баҳорнинг элчиси бўлган бу гул сахий инсонларга ишора эканлиги тушунтирилади. Шундан кейин шеър остидаги расмга болалар диққатини тортиб, бойчечакларнинг қишда ёққан қорлар бағрини ёриб чиққани қандай маъно англатишини сўраш ўринли бўлади. Ўқувчилар билан қилинган таҳлил орқали қиш инсон ҳаётидаги қийинчилик, ташвишли ва оғир кунларга ишора қилиши, бу фасл тугагач бош кўтарадиган бойчечак ҳаётнинг қийин синовларини мардона енгиб ўтиб, ўзини тиклай олган ва яна бошқаларга яхшилик қилишни ҳам унутмаган иродали кишилар образи эканлиги тушунтирилади. Шу синфдаги “Булоқ ва дарахт” (109-б), “Ҳакка ва унинг болалари” (114-бет) эртаклари; 2-синфдаги Ўроқ Саидовнинг “Ёмғир” (152-б), Олтмиш Ўсаровнинг “Қалдирғоч ва бешиктерватар” (164-б); 3-синфда Зулфия Мўминованинг “Хўроз нега учмайди?” (46-47-б) шеъри, Анвар Обиджоннинг “Ўн тилла мукофот ҳақида эртак” (66-69-б), 4-синфда Шукур Саъдулланинг “Лақма ит” (75-79-б), Ҳабиб Пўлатовнинг “Икки ирмоқ” (134-135-бетлар) эртаклари каби бир қанча бадий матнларни юқоридаги каби мажозий, баъзан рамзий маънода таҳлил қилиш, ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида баён этилган фикрлардан ойдинлашдики, бошланғич синфлардан мумтоз асарларни тушунишнинг очқичи бўлган тил хусусиятларни тушунишни, рамзий ва мажозий ифодани уқий олиш кўникмасини шакллантириш муҳим вазифа бўлиб, ўқувчиларни ўрта ва юқори синфларда адабий таълимнинг энг мураккаб нуқтаси бўлган мумтоз асарларини тушунишга тайёрлайди, аждодларимиз улкан маънавий меросидан баҳра олиш имкониятини яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Мактабгача таълим вазирлиги болаларнинг соғлом ва тўғри овқатланишини ташкил этишга шахсан масъул бўлади. ЎзР. Президенти Шавкат раислигида 2018 йил 14 февраль куни мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқидан. Kun.uz/ 23:10 / 14.02.2018



2. Бахтли бола маънавияти. Тузувчилар: Қодиров А., Қуронов М. ва бошқ. Т.: Sano-standart, 2018.
3. Қодиров В. Мумтоз адабиёт: ўқитиш муаммолари ва ечимлар. Т.: Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, 2009. 51-59-бетлар.
4. G'afforova T., Shodmonov E, Eshturdiyeva G. O'qish kitobi. 1-sinf darsligi. T.: "Sharq", 2019.
5. G'afforova T., Nurullayeva Sh., Mirzahakimova Z. O'qish kitobi. 2-sinf darsligi. T.: "Sharq", 2016.
6. Matchonov S., Shojalilov A., G'ulomova X., Sariyev Sh., Dolimov Z. O'qish kitobi. 4-sinf darsligi. T.: "Yangiyo'l poligraf servis", 2017.

